



Хиндистоннинг фатх этилиши

93-хижрий йил Рамазон ойининг 10-санасида (712 йил 20 июнь) Хинд дарёси бўйида Мухаммад ибн Косим ас-Сакафий бошчилигида мусулмон кўшинлари ва хинд хукмдори рожа Дахир кўшини ўртасида хал килувчи жанг бўлиб ўтди. Мусулмонларнинг 6 минг кишилиқ кўшини сони 50 мингдан ортиқни ташкил қилган рақибни тор-мор қилди. Бу ажойиб ғалаба ҳозирги Покистон ҳудудидаги қадимги Синд ўлкасига ислом нурини олиб кирди. Уммавийлар халифалигининг энг шарқидаги ушбу вилоят маркази сифатида Мултон шаҳри танланди. У ердан мусулмонлар қарийб уч аср давомида Хиндистон субминтақасини бошқариб, исломни тарқатдилар.

Мусулмон кўшинлари илк бор Синдга 644 йилда Халифа Умар ибн ал-Хаттоб розияллоху

анху даврида, Форс империясига карши олиб борилган урушларда кириб келди. 644 йилда Хакам ибн Амр, Шахоб ибн Махарак ва Абдуллох ибн Утбан кўшинлари хинд дарёсининг гарбий соҳили яқинида тўпланган. Расил жангида Хинд хукмдори Рожа Сахаси Рай II кўшинини маглубиятга учратдилар. Рожа кўшинининг колдиклари Хинд дарёсининг шаркий киргогига чекинди.

Умар ибн Ал-Хаттоб розияллоху анху Макрондаги (Эрон билан чегарадаги замонавий Белужистон худуди) ишларнинг ахволи хакида сўров берганида, элчи мусулмонларнинг янада хужум қилишлари учун нокулай вазият хакида жавоб келтирди. Шунда Халифа Умар розияллоху анху халифаликнинг шаркий чегарасини Макран бўйлаб ўрнатишни, бундан кейин олга бормасликни буюрди. Умар ибн Ал-Хаттоб вафотидан сўнг Форс империясининг собик худудларида кўзголонлар бошланиб, Халифа Усмон розияллоху анху уларни тинчлантириш учун кучлар юборди. Усмон ибн Аффон Синдни босиб олиш мумкинлиги хакида ҳам суриштирди, аммо минтакадаги дахшатли шароит хакида эшитгач, ўз кўшинига Хинд дарёсидан ўтмасликни буюрди.

Карийб 70 йил давомида мусулмонлар Синдга кирмадилар. Уммавийлар халифаси ал-Валид ибн Абдулмалик даврида вазият ўзгарди. Хинд водийсининг босиб олинishiга сабаб қуйидаги воқеа бўлди. Цейлон хукмдори Ирокдаги халифанинг ноиби Хажжож ибн Юсуфга оролда савдо-сотик билан шугулланган оталари вафотидан сўнг Цейлонда етим қолган бир гурух муслима кизлар бўлган кема юборди. Бу кемага Синднинг пойтахти Даибулдан келган карокчилар хужум қилиб, кемани қўлга туширган ва талон-тарож қилган. Шунда Хажжож етим қолган кизларни қайтариш ва зарарни қоплашни талаб қилиб, Синднинг Брахмин хукмдори Дахирга Макран ҳокими Мухаммад ибн Хорун орқали мактуб йўллади. Бирок Дахир кемага хужум қилган одамлар унинг назорати остида эмаслигини айтади. Газаб ўтиг минган Хажжож халифадан Даибуллик карокчиларни жазолаш учун қўшин юборишга рухсат сўради. Рухсат олгач, Хажжож Убайдуллахон бошчилигидаги гурухни Даибулга қарши жўнатди-да, бироқ гурух маглубиятга учраб, Убайдуллахоннинг ўзи ўлдирилди. Иккинчи ҳарбий юриш ҳам муваффақиятсизликка учради. Бу икки муваффақиятсизлик Хажжожни қаттиқ қанжиди. Сўнг Даибулга юриш учун олти минг кишидан иборат қўшин тўплаб, яхши қуроллар билан жиҳозлади ва амакиваччаси Мухаммад ибн Косим ал-Сақафийни бош қилиб қўйди.

711 йил у Синд томон йўл олди ва Даибулни қамал қилди. Беш юз киши хизмат қўрсатадиган «Келин» номли катапульта шаҳарни дахшатли тарзда вайрон қилади. Бу қуролдан отилган тош машҳур Будда ибодатхонасининг юқори қисмини вайрон қилади, у билан бирга улкан қизил байроқ ҳам уриб туширилади. Гайридинлар буни ёмон аломат деб ҳисоблаб, уларнинг орасида саросима бошланади. Дахир қочади, Мухаммад ибн Косим шаҳарда қичик бир гурух қолдириб, душман таъқиб қилишда давом этади. Тез орада Мухаммад ибн Косим қўшини Нирунга (ҳозирги Хайдарободдан 75 қақирим масофада) яқинлашади ва 712 йил уни эгаллаб олади. Хажжождан қўрсатмалар олган мусулмонлар Дахир қатта қуч тўплаётган Брахманобод томон йўл олади. 712 йилнинг июнида Мухаммад ибн Косим қўшини Хинд дарёсини кечиб ўтади. Дахир эса, ўз навбатида, 50 минг кишилиқ қўшини билан Брахманободдан мусулмонларга қарши Раварга қараб йўлга чиқади. Икки қўшин ўртасида бир нечта тўқнашув бўй беради, Рамазон ойининг 10-санасида эса асосий жанг бўлиб ўтади.

Мусулмонлар сони қўп эмаслигини қўрган Дахир жанговар фили устига ўтириб, ўз қўшини хужумга бошлайди. Мусулмон тарихчиларининг сўзларига қўра, «дунё бундан

олдин кўрмаган даражада шафкатсиз жанг бошланади». Отликлардан ташкари филлар ҳам мусулмонларга катта талафот етказди. Дастлаб ташаббус хиндлар томонида бўлади. бир паллада эронийларга карши жангларда тобланган араб камончилари камон ўкларининг учига ёниб турган пахта бойлаб, душманга карата ўк узишади. Ўклардан бири Дахир ўтирган филга тегади. Огрикдан ақлдан озаёзган, мусулмонлар томонидан таъкиб килинган хайвон дарё томон югуриб, йўлида учраган Дахир аскарларини эзгилаб ўтади. Хинд саркардасининг ўзи кутулиб қолади ва тез ордада янги бўлинмалар билан жанг майдонига қайтади. Бирок унинг куни битганди. Бош ролни яна камончилар ўйнади. Улардан бири отган камон ўки Дахирга тегади ва у тил тортмасдан филдан кулаб тушади. Уларнинг подшоси ўлганини кўриб, Жаи Сингх кўмондонлигидаги хинд кўшинининг колдиклари Брахманободга кочиб кетади. Дахирнинг ўлиmidан хабар топгач, хотини беваларнинг ўзига ўт қўйиш хиндуийлик одатига кўра ўзини ва хизматкорларини тириклайин ёкиб юборди. Бирок, брахманлар бошлигининг барча хотинлари ҳам буни танламайди. Рани Лади – Дахирнинг иккинчи хотини ва унинг икки кизи асирлар орасида эди. Мухаммад ибн Косим Рани Ладига уйланиб, унинг кизларини халифа ал-Валидга жўнатди.

Шундай қилиб, 93-хижрий йил Рамазон ойида Хинд дарёси бўйида қўлга киритилган шонли галаба Хиндистон ярим оролида исломнинг кенг тарқалишига имкон яратди. Шу сабабли Синд – жангдан кейин мусулмонлар мустахкамланиб олган биринчи жой – араб манбаларида «Баб ал-Ислом» (Ислом дарвозаси) деб юритилади.

Абу Муслим таржимаси